Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 214 (8204). | 11 ноябрь, 1983 йил | ЖУМА | Баҳоси 3 тийин.

СОВХОЗ МАРРАГА ЕТДИ

ЎН БИРИНЧИ беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш иштнёқида меҳнат қилган ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг пахтакорлари халқ хўжалиқ йиллик планини районда пешқадамлар сафида бажаришди. 3200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Она-Ватан хирмонига 11 минг 200 тонна пахта етказиб берилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди.

Пахтакор учун ноқулай келган 1983 йилда хўжаликнинг Мусахон Аҳмедов бошқараётган 3-ҳамда Абдулла Чачи етакчилигидаги 5-бўлимларнинг аршунослари, айниқса, фидокорона меҳнат қилдилар.

Бригадалар ўртасидаги мусобақада совхознинг Р. Давлетов бошлиқ бригадаси ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Улар совхозда биринчи бўлиб йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажарган эдилар. Эндиликда оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшириқдалар. Пешқадамлар изидан бораётган Н. Аҳмедов, Д. Ашуров, З. Мамедов ўртоқлар етакчилигидаги коллективларининг пахтакорлари ҳам «оқ олтин»дан мўл ва сифатли ҳосил етиштирдилар.

Совхоз хирмонининг юксалишига механизаторлар қўшган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлаётир. Бу ерда ҳар бир «зангори кема»дан юксак унум билан фойдаланишга катта эътибор берилди. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада Собир Шералиев, Мирза Собиров сингари «шўлат от» суворийлари барчага ибрат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Улар мавсумда 100—110 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Совхоз мириштқорлари бу йил ҳосилдорликни 38 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилишган. Айни кунларда хўжаликда мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшириш давом этяпти.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

АХБОРОТ ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТДА ЯГОНА

ҚАБУЛ ПУНКТИДА «КИЧИК ЗАВОД»

ЦНИИХПромнинг Бектемир тажриба пахта заводига қарашли Ўртасарой қабул пунктида паст сорт пахтани қайта ишловчи янги цех қурилди. Мутахассислар уни қабул пунктидаги «кичик завод» деб аташмоқда.

— Ҳар йили минг тоннадан зиёд 3,4-сортли пахта қабул қиламиз,— дейди пункт мудири Н. Жунисов.— Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳом ашё ёғин-сочинли кунларда териб олинади. Унинг намлиги юқори бўлади. Биз пахтани қуритиб, бунтларга йиғардик. Шундан кейин заводга қайта ишлашга юборилардик. Албатта, бу орада 1,5—2 ой вақт ўтади. Бунт орасига вентиляция йўли ўрнатишимизга қарамай пахта қизиб, ўз рангини йўқотар, толалари эса сифатсиз, мўрт, узилувчан бўлиб қоларди. Янги цехнинг ишга тушиши бунга барҳам беради. Даладан келтирилган пахта қабул қилиб олинган-дан сўнг тўғри барабанга юборилади. Бу ерда қуритилган пахта «ПЛПХ» агрегатида хас-чўплардан тозаланади. «ДП-130» жин агрегатида эса тола чигитдан ажратиб олинади, сўнгра у яна бир бор тозаланиб, тўғри прессга юборилади.

Цехда кунига 30 тоннадан зиёд пахта қайта ишланади. У маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга уни қайта ишлаш ва ташишга кетадиган ҳаражатларни камайтиради.

«Кичик завод» республикамиздагина эмас, иттифоқимизда паст сортли пахтани қайта ишловчи дастлабки цехдир. У тажрибада синаб кўрилгандан сўнг кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ж. ҚУРБОНБЕКОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ПРОКАТ

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинати прокат цехининг коллективи зиммасига олган мажбуриятини муддатидан илгари бажаряпти. Ваъда қилинганидек, йил бошидан бери металлурглар планга қўшимча 10.700 тонна прокат бердилар. Чунончи бу прокатнинг ярмига Давлат сифат белгиси тамғаси урилди.

Бу ерда социалистик мусобақада мастер Петр Киндинов бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Бригада ҳисобида пландан ташқари тайёрланган 3.435 тонна маҳсулот бор. Катта вальцовкачи Николай Юричкин, оператор Обид Азизов, вальцовкачилар Абдуҳаким Холматов, Жўра Исроилов, Валерий Чиканов жуда яхши ишлашмоқда. Улар технологик режимга аниқ риоя этиш, «300» станни қайта созлашга кетадиган вақтни қисқартириш ҳисобига бир соатда 51 тоннагача — нормадан 5 тонна кўп пўлат прокат қилишга муваффақ бўлмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ

Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда сут қабул қиладиган тўртта пункт ишлай бошлади. Шу пунктларнинг ҳар бирига автомобиллар биркитилган бўлиб, улар ортиқча сутни сотувни колхозчиларнинг хонадонларига қатнаб туради. Пунктлар беш юзта хонадон «фермалари»дан маҳсулот қабул қилади.

Колхоз бухгалтери М. Исрафилов йил бошидан буён энг кўп миқдорда сут топширди. Унинг шахсий хўжалигидан деярли уч тонна маҳсулот етказиб берилди. Колхозчиларнинг шахсий «фермалари» жами 406 тонна сут топширди.

(ЎзТАГ мухбири).

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

● **ОҚҚУРҒОН.** «Ленинизм» колхозининг азамат пахтакорлари зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларнинг ҳам шараф билан бажардилар. 1170 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,5 центнердан, жами 4400 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Етиштирилган ҳосилнинг 3915 тоннаси машиналар ёрдамида терилди. Умумий хирмоннинг 83 процента фақат биринчи сортга сотилди. Хўжаликнинг тажрибали пахтакор Гулойим Тулепбекова етакчилик қилаётган бригадаси аршунослари ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай келишаяпти. Уларнинг шу кунгача ҳар гектар ердан йиғиштириб олган «оқ олтин»лари 51 центнердан ошиб кетди. Шунингдек, Шарифбой Эсонбоев, Мамат Рисбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам бу йил «оқ олтин»дан ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди.

Қурбон Илашев, Тошкенбой Усмонов, Нишон Абдукаримов сингари «пўлат от» суворийлари 130—140 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритдилар. Хўжалик мириштқорлари оширилган мажбурият ҳисобига теримни давом эттиришаяпти.

ОЛДИНДА УЧИНЧИ ДОВОН

● **БЎКА** «Коммунизм» колхози аъзолари мажбуриятни уддалашди. Давлатга 2745 тонна «оқ олтин» сотилди. 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45,7 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Бу ҳосилнинг 95 процента «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. 85 процента юқори сортларга сотилди. Раҳмон Саидов, Уроқбой Ақлбоев, Абдуқодир Алимов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар гектаридан 47—50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиб, ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Айни кунларда бу коллективлар оширилган мажбурият ҳисобига хом ашё топширишяпти. Бу йилги мавсумда хўжалик механизаторлари чинакамига жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Абдулла Омонтоев, Аввалбек Ақлбоев, Нуриддин Нуралиев сингари «зангори кема» капитанлари 250—310 тоннадан пахта териб, мусобақанинг олдинги сафида боришди. Шуниси диққатга сазоворки, хўжалик пахтакорлари етиштирилган барча ҳосилни ёрдамчиларсиз териб олишмоқда. Мириштқорлар учинчи довон сари курашни қизитиб юборишган.

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

● **ЧИНОЗ.** Охунбобоев номли колхоз мириштқорлари ана шу шнор остида меҳнат қилишяпти. Хўжалик пахтакорлари йиллик планни бажардилар. 1485 гектар майдондан 5438 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 36,6 центнерни ташкил этди. Туркман Давилов, Муса Сайфуллаев, Абдураҳмон Бекмуродов сингари пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларда ҳозирнинг ўзидаёқ 45—46 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиниб, оширилган мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда. Дала гвардиячиларидан Турғун Холхўжаев, Даврон Тўқлибоев, Йўлдош Саидовлар, айниқса, яхши меҳнат қилишди. Уларнинг хирмонлари 115—125 тоннадан ошиб кетди. Охунбоевликлар янги марра сари дадил одим ташламоқдалар.

СЎЗЛАРИНИНГ УСТИДАН ЧИҚИШДИ

● **ПИСКЕНТ.** Машъал Свердлов номли колхозининг ҳиммати баланд пенсионерлари мавсум бошлангандан буён «оқ олтин» йиғим-теримида ўз фарзандларига яқиндан ёрдам бериб келишаяпти. Назирқул ота Толипов етакчилик қилаётган мадад бригадаси ўз сўзининг устидан чиқди. Улар хўжалик далаларидан 20 тонна қимматли хом ашё териб бердилар. Ўринбой ота Жўраев, Худоёр ота Мамажонов, Асрорхон ота Нишонов, Абдумўмин ота Толиповлар мавсумда бир ярим тоннадан ошириб пахта теришди. Пенсионерлар ҳосилнинг сўнгги мисқолларигача йиғиб-териб олинмагунча даладан чиқмасликка қарор қилишди.

ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

● **ЎРТА ЧИРЧИҚ.** Очил Маматқулов бошлиқ бригада мириштқорлари Куйбишев номли колхозда биринчи бўлиб социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 40,5 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Еки йиллик план 153 процентга бажарилди. Илғорлар йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда.

ЧИРЧИҚЛИКЛАР ХИРМОНИ

● **ҲАР КУНИ** район пахтазорларида 16 минг 122 чирчиқлик ҳашарчи «оқ олтин» йиғим-теримида деҳқонларга кўмаклашмоқдалар. Уларнинг ҳиммати билан кунига 185—190 тоннадан пахта йиғиштириб олинмоқда. Чирчиқликларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 13 минг 90 тоннадан ошиб кетди. Айниқса, «Ғунча» тикувчилик фабрикаси, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари барчага ибрат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Мададкорларнинг шиори битта — ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиб-териб олишда ўртачирчиқликларга ёрдам беришдир.



● **БЕКОБОД** медицина билим юртининг талабалари «оқ олтин» терими бошланганидан буён А. Мавлонов номли совхоз пахтакорларига яқиндан ёрдам бериб келяптилар. Билим юртининг ўқитувчи-мураббийлари Муҳаббат Тиловбоева (суратда ўнгда) ва Баҳри Эшматовалар студентлар ўртасидаги мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмай келишяпти. Улар айни кунларда ҳам 80—90 килограммдан подбор терим бўйича ўрнак бўлишяпти. Бригада бошлиғи Жуман Абдуқодиров (пастда) билим юрти ёшлари билан суҳбатлашмоқда.

М. Қорабеков фотолари.

НОМЛАРИГА ЯРАША

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумни ва республика Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга Мурожаати янги эълон қилинган кунларда барча ташкилотларда комсомолларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Ёшлар Мурожаатга жавобан теримчиларнинг олдинги сафларида бўлишга қарор қилдилар. Биринчи бўлиб 32-қишлоқ махсус ҳунар-техника билим юрти ҳузуридаги ДОСААФ автомобиль мактаби комсомолларни зарбдор терим отряди тузишди. Билагида кучи, юрагида ўти бор ёшлар отрядга аъзо бўлиб ёзилдилар. Район комсомол комитети бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлади.

«Автомобилист» номини олган зарбдор отряд биринчи кунларданоқ номига яраша иш тута бошлади. Ҳар бир теримчи нормани ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилди. Ҳозир отряд составида 70 комсомол аъзоси бор. Улар ҳар куни 3 тоннадан ҳосил териб топширишаяпти.

Ёшлар меҳнатини тўғри ташкил этишда отряд командири Содиқ Зокиров ва комиссар Фарҳод Усмоновлар айниқса катта роль ўйнамоқдалар. Улар ёшлар эътиборини аниқ мақсад сари йўналтирмоқдалар. Шу кунгача «Автомобилист» отряди район комсомол-ёшлар коллективи ўртасида бир неча бор ғолиб чиқиб кўчма вимпелларни қўлга киритди. Илғор теримчилар Болғария бўйлаб саёҳат қилиш учун йўлланма билан тақдирландилар.

Зарбдор отрядга — зарбдор суръат! Шу шиор пахтазор узра кун сайин баландроқ янграмоқда. Районимиздаги бошқа отрядлар ҳам илғорлардан ўрнак олиб терим суръатини тобора оширмоқдалар.

Роман АН,
Янгийўл район комсомол комитетининг инструктори.

ИККИ ҲИССА КЎПАЙДИ

ТОШКЕНТ районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. Айниқса, хўжалик бўрдоқибоқарлари эришаётган муваффақиятлар салмоқли бўлаётир. Улар давлатга гўшт топшириш йиллик планини икки баравар оширди бажардилар. Эл дастурхонига 102 тоннадан ортиқ гўшт етказиб берилди.

Колхоз паррандабоқарлари ҳам тухум сотиш планини муддатидан илгари адо этишди. 42 минг дона ўрнига 62 минг дона тухум етиштирилди. Хўжалик сут-товар фермасининг ходимлари район социалистик мусобақасида пешқадамлик қилишяпти. Ҳозиргача 700 тоннадан ортиқ серқаймоқ сут етказиб берилди. Сут-товар фермасининг Тожи Исмоилова, Жамила Абдураҳмонова сингари тажрибали соғувчиларни ўзларига қарашли соғин сигирлардан мўл-кўл ва сифатли сут соғиб олиб барчага ибрат кўрсатишяпти.

Охунбобоевлик чорвадор ва паррандабоқарлар гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш билан биргаликда қорамол ва паррандалар бош сонини янада ошириш учун ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ

ЧИНОЗ районидаги Навоий номли колхоз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида «оқ олтин»дан ҳар қачонгидан мўл ва сифатли ҳосил учун эрта баҳорданоқ қизғин кураш олиб бордилар. Хўжаликда барча агротехник тадбирлар юксак сифатли бажарилганлиги туфайли далаларда мўлжалдаги ҳосил етиштирилди.

— Бу йил давлатга 2760 тонна юқори сифатли пахта етказиб бериш мажбуриятини қабул қилганмиз,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари У. Мирсобиров.— Заршуносларимиз ана шу юксак ҳадга яраша меҳнат қилмоқдалар. Улар йиғим-теримни энг қисқа муддатларда тугаллаш учун бутун имкониятни ишга солмоқдалар.

Дарҳақиқат, хўжалик мириштқорлари даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб деган нақлга амал қилиб кундан-кунга суръатни ошириборишди. Мавжуд 16 та йиғим-терим машинаси унумли ишлатилди. Раҳим Мирусмонов, Мўмин Мавлонов, Йўлдош Мушқалов, сингари дала гвардиячилари ўз агрегатлари бункеридан ҳар куни 10—12 тоннадан «оқ олтин» тўкиб барчага намуна бўлишди. Бу азаматлар мавсумда 150 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилишган эди.

Айни долзарб кунларда хўжаликда истиқомат қилаётган каттадан-кичик йиғим-теримда пахтакорларга ёрдам беришга отланган. 700 га яқин киши қўл теримида меҳнат қиляпти. Уларнинг ҳар бири ўртача 60—70 килограммдан подбор термоқда.

Хўжаликда бригадалараро, механизаторларараро, кўпмингкилограммчиларараро мусобақа кенг йўлга қўйилган. Унга ҳар беш кунда якун ясалади. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб келинмоқда.

Бригадалар ўртасидаги мусобақада сурункасига учинчи марта Ўринбой Акромов етакчилик қилаётган 11-бригада пахтакорлари ғолиблик қилишмоқда. Улар хўжаликда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Эндиликда 65 центнерлик марра учун кураш боряпти.

— Бригадамиз далаларида бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл пахта ҳосили етиштирилган,— дейди У. Акромов.— Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси бу «оқ олтин»ни тезроқ йиғиштириб олиш учун чин дилдан меҳнат қилаётир. Дастлабки довон эгалланган бўлсада суръатни бир дам ҳам сусайтирмаймиз. Зеро, шу кунниг талаби ана шундай.

Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга қарата Мурожаати бу хўжалик меҳнаткашларини ҳам янги ғалабалар сари чорламоқда. Даъватдаги ҳар бир сўзни дилига жо қилган заршунослар ҳосилдорликни пландаги 36 центнер ўрнига 45 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

Г. МАМБЕТОВА.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

Коммунистик	0,25	106,73	—	110,19
Бўка	0,31	106,72	—	106,52
Оққўрғон	0,53	101,55	0,70	102,89
Пискент	0,30	100,72	0,05	69,73
Бекобод	0,85	99,50	0,65	71,23
Ўрта Чирчиқ	0,60	98,60	0,32	84,23
Чиноз	0,97	94,30	1,11	69,74
Ғалаба	0,38	88,38	0,08	68,31
Янгийўл	1,50	84,23	2,27	60,80
Область бўйича:	0,58	98,26	0,46	83,75

СИРДАРЁДАН ХАТ

ЧЎЛҚУВАРЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

Тушлик пайти. Ҳозиргина даланинг тупроқ йўлидан ўтиб келган студент ёшлар юз-кўлларини ювиб, овқатланишга ўтиришган.

— Ўртоқлар,— дея ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди баракдан чиқиб келган отряд командири Маъмуржон Мусирмонов.— Кечирасизлар, қисқача эълон. Тушликдан сўнг беш минутлик линейка ўтказамиз. Ҳеч ким далага кетиб қолмасин...

Отряд йиғилишида В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети комсомол комитетининг секретари, марказий пахта штаби бошлиғининг ёрдамчиси Ҳасан Абзалов хушхабар келтирганини айтди.

— Йиғим-теримда актив иштирок этаётган 31 отряд ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақанинг кейинги беш кунлик якунига кўра сизларнинг коллективингиз ҳам ғолиб деб топилди,— деди у.— Отрядга хўжаликнинг кўчма вимпели, фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофоти берилди.

Шундан сўнг сўзга чиққан отряд комиссари Нигора Расулова ва бошқа бир қатор ҳашарчи ёшлар мукофотга яраша янада астойдил меҳнат қилажакларини республикамиз партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолларигача қолдирмай териб олишда совхоз деҳқонлари билан елкама-елка туриб ишлашларини айтишди.

— Университетнинг журналистика факультети 1-, 3-, 5-курс студентларидан иборат 80 кишилик «Мухбир» отрядига Тўғон Эрназаров номи берилган, — дейди отряд раҳбари Абдуқайим Абдураҳмонов.— Бу бежиз эмас. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, тарих фанлари доктори, профессор марҳум Тўғон Эрназаров ўзининг меҳнатсеварлиги, ёшларга меҳрибон мураббийлиги билан кўпчилик қалбидан муносиб ўрин олган эди.

Айни долзарб паллада ўз ўрниларини далада деб билган студент ёшлар Сирдарё областининг Оқ олтин райондаги «СССР 60 йиллиги» совхозида самарали ишламоқда. Кунига уларнинг кучи билан 6-бўлим хирмонига уч тоннага яқин подбор тўкилмоқда. Шу кунгача йиғиштириб олинган «оқ олтин» салмоғи эса 160 тоннадан ошди. Биринчи курс талабаларидан халқ депутатлари Оқдарё район Советининг депутати Зарбуви Алқарова, Ойбиби Ёқубова, Саидакбар Акбаров, Дилрабо Асадова, Марзия Исаева, 3-курс студентларидан Саноқбар Файзуллаева, Ориф Сидиқов ва Зиёда Сададдинова кабилар кунлик нормаларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

Студентларнинг бўш пайтларини мазмунли ўтказиш чора тадбирлари ҳам кўрилган. Бу ерда кунора турли мавзуларга бағишланган кечалар, ёш ижодкорларнинг мушоираларн ўтказиб турилибди. Яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ўқувчиларининг конференцияси ҳам шу ерда ўтказилди.

Қ. ҒУЛОМОВ.

КОРХОНА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ЮБИЛЕЙ посёлкасидаги қурилиш конструкциялари комбинати ишга тушганига тўрт йил бўлди. Шу даврда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 4,5 баробар ошди. Бундай юксалишга ишлаб чиқаришга илғор технология, иш усулларини кенг жорий этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа шу каби омиллар ҳисобига эришилди.

Корхонада бригада пудратининг қўлланилиши ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Шу усул билан ишлаётган коллективлар унинг яхши самара беришини намойиш қилмоқдалар. Жумладан, мусобақадош Ёдгор Султонов ва Геннадий Сафроновлар бошчилигидаги қолипловчилар бригадалари янгича усулда ишлаб, юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар.

Бу икки мусобақадош коллектив корхонада биринчилардан бўлиб ишни бригада пудрати асосида ташкил этишди. Ташаббускор бригада аъзоларининг меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди. Улар ўз вазифаларига янада сидқидилдан ва виждонан муносабатда бўладиган бўлиб қолдилар. Ҳар доим ўз ишларининг масъулиятини тўла ҳис этиб ишлашади.

Ёдгор Султонов бошлиқ бригада ишчилари аҳил, ҳамжиҳат, иноқ ягона оилани эслатади. Улар «Иш вақти — ишга» шиорига тўла амал

ИШ ВАҚТИ—ИШГА

қилишади. Шу боисдан меҳнат интизомига қатъий амал қилишади, ҳар сменада қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар. Масалан, сентябрь ойида 726 куб метр ҳажмда темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришди. Октябрь ойида эса 800 кубометрлик маррага янада яқинлашдилар. Сергайрат қолипловчилардан Абдура Якупов, Тогай Жарбуловлар топшириқларини 115—120 процентдан бажаришмоқда. Кран машинисти Ёқут Маъмурбекова ҳам тайёр маҳсулотларни вагонларга ортишда тезкорлик билан ишламоқда.

Мусобақадошларидан қолишмасликка интилаётган Г. Сафронов бошлиқ бригада аъзолари ҳам меҳнатда қувонарли кўрсаткичларга эришяптилар. Г. Тен, В. Ким сингари ишчиларнинг ҳиммати туфайли бригада коллективи сентябрь ойида пландаги 523 куб метр ўрнига 634 куб метр ҳажмда темир-бетон маҳсулоти тайёрлади. Октябрь ойида эса деярли 700 куб метр маҳсулотни буюртмачиларга юбордилар.

Касбдош мусобақадошлар баҳсида янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун қизғин ишламоқдалар. Бригадалар қўлланаётган янгиликларни, меҳнатни ташкил этишдаги тажрибасини ўртоқларча, ўзаро бажонидил баҳам кўрмоқдалар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ ҲИСОБИГА

ЯНГИЙЎЛДАГИ 5-автобаза коллективи мижозларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаб бормоқда. Шунинг учун ҳам шоферлар ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида баракали ишламоқдалар. Халқ хўжалиги юклари ташиш топшириқларини ой сайин ортиғи билан адо этилмоқда. Автобаза коллективи меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришаётганлиги учун ҳам сурункасига уч кварталдан бери шаҳар транспорт корхоналари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Шоферлар шу йилнинг ўн ойлик топшириғини ҳам барвақт бажардилар. Мавжуд автомобиль паркидан фойдаланишни яхшилаш, юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш, бошқа қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш ютуқлар омили бўлмоқда. Шу туфайли ҳам ўтган ўн ойда пландагидан ташқари 7,3 минг тонна бинокорлик материаллари қурилиш майдонларига етказиб берилди.

Коллектив эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергаб сарфлашга ҳам катта эътибор бермоқда. Ҳар бир шофер тежамкорликка интилмоқда. Бу ёнилғини иқтисод қилишга олиб келаяпти. Йил бошидан бери тежалган ёнилғи бутун автобазадаги машиналарни икки кун давомида ишлашига етади.

Р. АБДУҚАЮМОВА.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

ДЕМОКРАТИК МАТБУОТ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

9 ноябрь куни Москвада Улуғ Октябрь 66 йиллигини байрам қилишда ҳозир бўлган демократик матбуот вакилларининг учрашуви бошланди. Учрашувда 80 мамлакатдан келган 86 матбуот органи намояндалари — Коммунистик ҳамда революцион-демократик газета ва журналларнинг редакторлари иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, учрашувда сўзга чиқиб, унинг қатнашчиларига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповдан салом ва ишда муваффақиятларга эришувларини тилаб билдирган истакларини топширди, КПСС ҳозирги вазиятга қандай баҳо бераётганлиги тўғрисида гапирди, СССР халқаро сиёсатининг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган асосий тадбирлари ҳақида, КПССнинг ривожланган социализм жамияти ва давлатини такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Шундан кейин фикрлашувлар бошланди.

(ТАСС).



Силлиқловчи Ҳикмат Исматов Тошкентдаги «Компрессор» заводида 13 йилдан буён ишламоқда. У топшириқларни тез ва сифатли бажаришда касбдошларига ўрнак бўлаяпти. Моҳир ишчининг қўлидан чиққан деталлар биринчи кўрсатишдаёқ қабул қилинмоқда. Ушбу суратда коммунистик меҳнат зарбдори Ҳ. Исматовнн тайёр деталь сифатини кўздан кечираётганида кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

КАДРЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

«Оҳангарон» совхози коммунистлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларига ёруғ юз билан келдилар. Йиғилиш арафасида мева-сабзавот маҳсулотларини давлатга сотиш йиллик плани бажарилди. Гўшт, тухум, жун, пилла сотиш уч йиллик планлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Эндиликда социалистик мажбуриятларни бажариш учун қизғин мусобақа кетяпти.

Йиғилишда доклад қилган совхоз партия комитети секретари С. Каримов ҳамда музокарада қатнашган Р. Ҳакимова, С. Шоназаров, Қ. Нурмуҳамедов, Х. Тошпўлатова ва бошқа ўртоқлар хўжалик меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган кураши ҳақида батафсил гапирдилар.

Ҳисобот даврида партия ташкилоти меҳнаткашларни зиммадаги вазифаларни тўла-тўкис бажаришга сафарбар этиш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш юзасидан зарур чораларни кўрди. Партком мажлисларида ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга оид масалалар планли тарзда муҳокама қилиб борилди. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкалари тажрибали коммунистлар билан мустаҳкамланди.

Эришилган ютуқлар коллектив учун чегара бўла олмайди. Ютуқларга маҳлиё бўлиб галдаги вазифаларни унутиш коммунистларга хос фазилат эмас. Ҳисобот даврида айрим соҳалардаги ишлар талаб даражасида бўлмади. Бу ҳаммага аён. Айниқса, чорвачилик соҳасидаги аҳвол кўпчиликни қониқтирмаяпти. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида давлатга 1333 тонна сут кам топширилди. Подадаги сигирлар сони суст ўсаётганлиги, улар наслини яхшилаш устида кам қайғурилаётганлиги учун ҳам чорва маҳсулотлари тайёрлаш оқсамоқда.

Сабзавот экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳам коллективнинг муҳим вазифасидир. Ўтган йили ҳаражатлар кўпайиб кетганлиги учун картошка етиштиришдан совхоз 94 минг сўм зарар кўрди. Айни пайтда катта ҳаражатлар билан етиштирилган ҳосилнинг маълум қисми эътиборсизлик натижасида нобуд бўлди. Ҳисоб-китобдаги чалкашликлар ҳам маҳсулот таннархини қимматлаштириб юбораяпти.

Ютуқлар кадрларга боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Лекин айрим кадрлар топширилган вазифа учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этмаяптилар. Партия йиғилишларида раҳбар коммунистларнинг ҳисоботлари тингланмайди, партия топшириқлари қандай бажарилаётганлиги назорат қилинмайди. Шунинг учун ҳам айрим участкаларда иш йил сайин орқага кетяпти. Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар Д. Қўчқоров, Қ. Тўйчиев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалардаги аҳволни юз-хотир қилмай танқид қилдилар. Цех партия ташкилотлари бу қолоқ бригада раҳбарларига нисбатан талабчанликни кескин ошириши керак.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш зарурлиги уқтирилди. Лекин докладда бу соҳадаги вазифалар тилга олинмади. Партия ташкилоти энг аввало тарбиявий ишларга кўпроқ эътиборни қаратмоғи керак. Агитаторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, барча идеология кадрлари олиб бораётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш лозим.

Йиғилишда совхоз ишлаб чиқариши ҳам, коллектив ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар ҳам ҳали талаб даражасида эмаслиги уқтириб ўтилди. Янги сайланган состав йиғилишда билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, уларни тўла амалга ошириш чораларини кўриши зарур.

Т. ЖУМАНОВ,
Оҳангарон райони.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилиб «Қаҳрамон она» ордени топширилсин.

Тошкент области бўйича

Абдунабиева Тожибуви — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Абдураҳмонова Савриниса — уй бекаси, Паркент райони.

Акажонова Хамро — уй бекаси, Чиноз райони.

Ортиқова Дариха — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Бадалова Тўхта — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Ғафурова Тўхтажон — Бўка районидаги «Бўка» совхози ишчиси.

Ғиламова Раъно — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Иброҳимова Ҳабиба — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Қорабоева Бувиниса — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Конибекова Бозоргул — Тошкент районидаги «Ленинград» совхози ишчиси.

Қўшмуродова Майрам — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Маҳкамова Тамара Федоровна — уй бекаси, Чиноз район.

Мирахмедова Вения — уй бекаси, Паркент район.

Мўминова Рихси — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Нигзова Қутби — уй бекаси, Чирчиқ шаҳри.

Пошалиева Гулжамол — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози ишчиси.

Пўлатова Норбуви — уй бекаси, Паркент район.

Рихсибоева Тўхта — уй бекаси, Паркент район.

Сартоева Кумис — уй бекаси, Чиноз район.

Тошметова Донажон — уй бекаси, Чирчиқ шаҳри.

Турдибоева Улуғ — Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Умурзоқова Қизилгул — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Хамроева Ҳалима — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Хўжаёрова Бувҳол — Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз ишчиси.

Шерова Ойзода — Оҳангарон районидаги К. Е. Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Эшматова Мавжуда — уй бекаси, Чирчиқ шаҳри.

СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Советн Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль
18 октябрь, 1983 йил.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилиб «Қаҳрамон она» ордени топширилсин.

Тошкент области бўйича

Абдураҳмонова Яхшигул — уй бекаси, Оржоникидзе райони.

Абдураҳмонова Турсуной — ишчи, Ғалаба райони.

Аблашимова Зина — Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Азимова Ҳабиба — ишчи, Ғалаба районн.

Ойнақулова Умр — Бўка районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Анорқулова Бахри — Оққўрғон район Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Аширматова Санобар — уй бекаси, Калинин районн.

Ғаниева Ўринбу — уй бекаси, Янгийўл районн.

Жумабоева Доно — уй бекаси, Янгийўл районн.

Дўстонова Туксулув — Бўка районидаги Мичурин номли колхоз аъзоси.

Елчибекова Урзия — уй бекаси, Калинин районн.

Қурбонова Дурия — Ғалаба районидаги Киров ном. ли колхоз аъзоси.

Мирсалимова Меҳриниса — уй бекаси, Оржоникидзе районн.

Мўминова Қайригул — Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Пармонқулова Гавҳар — уй бекаси, Оҳангарон шаҳри.

Ризманова Шакар — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Рисалиева Турдихон — Коммунистик районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Сандбекова Боғлангул — Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози ишчиси.

Файзиева Фахрия Мамедовна — уй бекаси, Олмалиқ шаҳри.

Фатхуллина Муқаддам — уй бекаси, Чиноз районн.

Ҳамидова Гулиной — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Холқўзиева Анорхон — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз аъзоси.

Шодиева Савриниса — ишчи, Ангрен шаҳри.

Эрматова Салима — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози ишчиси.

Эрназарова Майрам — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси.

Эшбекова Сафида — Пискент районидаги «Пискент» совхози ишчиси.

СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Советн Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
27 октябрь, 1983 йил.

Сергелидаги Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикасида ўз касбини пухта эгаллаган юзлаб хотин-қизлар самарали ишламоқда лар. Коммунистик меҳнат зарбдори, техника назорати бўлими ходими Х. Ҳасанова шундай илғорлардан ҳисоб ланади. У смена нормасини доим ошириб адо этмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **СОФИЯ.** Бугун бу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар парламентлари вакилларининг маслаҳат учрашуви бошланди. Учрашув қатнашчилари Европа халқларининг хавфсизлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқадилар ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган мамлакатларнинг парламентларини Европада ўртача олисликка учириладиган янги ракеталар жойлаштирилишига йўл қўймасликка даъват этувчи мурожаатнома қабул қиладилар.

СССР делегациясига СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков бошчилик қилмоқда.

● **БЕРЛИН.** Бугун Германиядаги ноябрь буржуа-демократик революциясининг 65 йиллиги муносабати билан Берлин районининг Фридрихсфельддаги социалистлар қабристонида гулчамбарлар қўйиш маросими бўлди. К. Либкнехт, Р. Люксембург, немис ишчилар ҳаракатининг бошқа курашчилари шу қабристонга дафн этилган.

Гулчамбарлар қўйиш маросимида ГБСП Марказий Комитетининг бош секретари, ГДР давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер, ГБСП Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг раиси В. Штоф, республиканинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари қатнашдилар.

● **ЛОНДОН.** Инглизларнинг жуда кўпчилиги Р. Рейган маъмурнятининг ҳозирги сиёсатини урушқоқлик сиёсати деб баҳолайди ва мамлакатда Америкаиинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари жойлаштирилишини ҳаддан ташқари хатарли қадам деб ҳисоблайди. Лондондаги «Дейли Мейл» газетасида эълон қилинган жамоатчилик фикрини сўраш натижалари шундан далолат беради. Савол берилган кишиларнинг қарийб 70 процеити қанотли ракеталар Британия оролларида жойлаштирилган тақдирда президент Р. Рейган бу ҳужум қуролидан Англия ҳукуматининг фикри билан ҳисоблашмай фойдаланиши мумкин, деб хавотир олмоқда.

(ТАСС).

КАМПУЧИЯ ЧЕГАРАЛАРИДА ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ, 9 ноябрь. (ТАСС). Таиланд ҳарбийлари халқ Кампучиясининг чегараларида иғвогарликни давом эттирмоқдалар. Кампучия СПК агентлигининг хабар беришича, Таиланд ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари ва вертолётлари республиканинг осмон бўшлиғига 30 мартадан кўпроқ бостириб киришган. Таиланд кемалари, шу жумладан ҳарбий кемалари КХРнинг денгиз чегараларини қарийб 500 марта бузган. Таиланднинг ҳарбий кемалари 19 октябрь куни Кампучиянинг территориал сувларига кириб, Кохконг вилоятининг соҳил районларидан бирини ўққа тутган.

Сиемреап, Преахвихне, Баттамбанг ва Пурсат вилоятларининг чегара районлари ҳам икки юз мартага яқин тўпдан ўққа тутилганлиги қайд этилган. Агентлик хабарида кўрсатиб ўтилишича, Кхмер реакцион гуруҳларидан бўлган шу бандитларнинг тўп ўқи паноҳида КХР территориясига бостириб кириш йўлидаги уринишлари Кампучия чегарачиларининг қаттиқ зарбасига учради.

ИНОБАТ

ДЕПУТАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Инобат поликлиникага ҳамшира бўлиб ишга кирди. Сўнг бошланғич синфларда ўқитувчи, кейин боғча мудираси бўлиб ишлади. Пахта йиғим-терими мавсуми бошланганда ўзи талаб қилиб пахта теримига чиқиб кетарди. У доимо пешқадамлар сафида бўларди.

У боғча мудираси бўлиб ёмон ишламади. Обрў-эътибори ҳам чакки эмас эди. Ташкилотчилик ишларининг ҳам жонини киргизарди. Лекин, негадир ишидан кўнгли тўлмасди. Қандайдир бир мақсад уни кенг далага, пахтазорга чорларди. У мудираликни ташлаб пахтачилик бригадасига ўтишга қарор қилди. Бир йил ишлагач 1971 йили хамхосилли бригадага бошлиқ этиб тайинланди. У ишни ерни ўрганишдан бошлади. Тажрибакорларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ солди. Ҳосилдорлик йилдан-йилга ошаберди. Кўп ўтмай эллик-центнерчилар сафидан ўрин олди. Бу йил 60 центнер учун курашмоқда.

КПСС XXVI съездининг делегати Инобат Ҳожибекова Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг бригада бошлиғи. Ўн икки чақириқдан бери халқ хизматида. Катта-ю кичик ишга жойлашиш, оилавий, умуман турли масалаларда унинг ҳузурига маслаҳатга келишади.

У наказларни сидқидилдан бажаради. Маҳаллий Советларга ўтган сайловларда колхоз марказидаги кичик боғча талабга жавоб бермаётгани, янги боғча қуриш ҳақида наказ тушган эди. Инобат Ҳожибекова дарҳол бу ишга киришди. Тез орада ҳужжатлар тайёрланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди, ҳозир янги боғчада 100 нафарга яқин бола тарбияланмоқда.

Сайловдан сўнг бўлиб ўтган учрашувлардан бирида кишилар колхоз марказидаги маъмурий, маданий, турли жамоат биноларини иситиш учун қозонхона қуришга ёрдам беришни сўрашди. Ҳа, бу ишни бажариш осон бўлмади. «Узгипрозем» лойиҳалаш институтига кўп марта қатнашга тўғри келди. 83-колхозлараро кўчма механизацнялашган колонна раҳбарлари билан мулоқатда бўлди. Колхозни оталиққа олган Ангрен ГРЭСи коллективидан ёрдам сўради. Айниқса, зарур ускуналарни топиб беришда ангренликлар жуда яхши ёрдам беришди. Йўл ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи бир қатор қўшимча ишларни бажариб берди.

Қишлоқ Совети ижроия комитетининг аъзоси, депутат Инобат Ҳожибекованинг иши бошидан ошиб ётса ҳам имконият топиб елиб-югуриши, ташкилотчилиги туфайли қозонхона тез суръатда битказилди.

Колхоз марказида бунёд этилаётган клуб қурилиши етти йилдан бери чўзилиб келарди. Бир группа ёшлар ана шу клуб қурилишини тезлатишда ёрдам беришини илтимос қилдилар. Тўғрисини айтганда қурилишни қайтадан бошлаш жуда оғир бўлди. Қурилиш ташкилоти билан кўп мунозара қилишга тўғри келди. Юқори ташкилотларга мурожаат этди. Ниҳоят қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Суръат оширилди. Яқинда бу клуб ҳам битди.

Бир қатор сабабларга кўра кейинги икки-уч йилда, колхоз территориясидаги айрим жойларда водопровод ишламай қолган. Натижада баъзи колонкалар кўмилиб кетган эди. Депутат сайловчиларнинг илтимосига кўра ишга киришди. Водопровод линиялари қайта тикланди, сув келтирилди.

КПСС XXVI съездининг делегати, қишлоқ Советининг депутати Инобат Ҳожибекованинг депутатлик фаолиятидан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. У жамоат ишларида актив иштирок этади, ишлаб чиқаришда эса илғор. Депутат бошлиқ бригада бу йил ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш учун курашмоқда.

Ленин, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери — Инобат Ҳожибекова бошлиқ бригада ерлари қир зонасида жойлашган. Шунинг учун тупроқ шароити ўзгача. Бу йилги оғир об-ҳаво шароитида эса ҳар бир карта табақалаштирилган ҳолда парвариш қилинди. Натижада катта хирмонга яраша ҳосил яратилди.

Инобат Ҳожибекова бошлиқ бригада қўшни «Ленинизм» колхозининг Нишонбой Ҳожибеков раҳбарлик қилаётган бригада билан мусобақадош. Иккала бригада аҳли мажбуриятни ошириб бажариш учун курашмоқда.

Инобат опа ака-сингилнинг мусобақадошлигидан ажабланганимизни сезиб беихтиёр жилмайди-да деди:

— Катта акамиз Рашид Ҳожибеков эса ана шу қир зонага 1959 йил биринчилар қатори янги ер очиб чиққанлардан. Меҳнатда муваффақиятлари учун Октябрь Революцияси, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирланган. Уларнинг ери яна ҳам мураккаб-роқ зонада. Бу йил парвариш оғир кўчди. Шунга қарамай камида 50 центнер ҳосил оламиз дейишяпти.

Инобат опа пахтачиликда устозлари — акалари эканини камтаринлик билан айтади. Лекин шогирд устозларидан ўзиб кетган. Рашид Ҳожибеков 50, Нишонбой Ҳожибеков 55 центнерлик маррани кўзлаган бўлсалар Инобат Ҳожибекова бошчилик қилаётган коллектив 60 центнерни кўзлашган.

Меҳнат кишига қанот, қувонч, бахт келтиради дейдилар. Бу сўзларнинг нақадар тўғри эканлигини Инобат Ҳожибекова мисолида ҳам кўриш мумкин.

Б. ПЎЛАТОВ.

● **ЧЕХОСЛОВАКИЯ.** Прагадаги илмий-тадқиқот институтларидан бирининг ходимлари иссиқликни тўпловчи пластик найчали системани яратдилар. У аввал мавжуд бўлган конструкцияларга қараганда уч баравар кўп иссиқлик тўплай олади. Бу иссиқликдан сувни иситиш, ем-хашакни қуритиш мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Суратда: институт ходимлари пластик найчалар устидаги ҳароратни ўлчаяптилар.

ЧТК—ТАСС фотоси.



ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҚАЙСАРЛИККА ЕДГОРЛИК

● КАЛИФОРНИЯДА (АҚШ) гранит тоғида очилган ярим километрдан ортиқ узунликдаги тоннель бор. Уни туристларга «Инсоннинг қайсарлигига ёдгорлик» сифатида кўрсатишади. Бу ноёб иншоотнинг пайдо бўлиши Билл Шмидт номи билан боғлиқ. У асримиз бошларида бой олтин конини топиш ниятида Нью-Йоркдан шу ерга келган эди. Фақат биргина ўзига маълум бўлган аломатлар билан шунга «лойиқ» жойни топди ва қўлда тоғни қазишга киришди (динамит олишни ҳамён кўтармас эди). Лекин олтиндан дарак бўлавермади. Шмидт бир неча юз метр ичкарига кириб олтин йўқлигини тушунган бўлса ҳам меҳнат бекорга кетмасин деб тоннелни тоғнинг қарши томонидан ўтадиган йўлгача қазиб боришга аҳд қилди.

Йиллар ўтди, лекин бошлаган ишидан қайтмади. Янги тош йўли ва темир йўли унинг бу иши фойдасизлигини кўрсатса ҳам Шмидт ишини тўхтатолмади. 1938 йилда 67 ёшида қайсар Шмидт тоғни тешиб ўтди. У вафотигача ўзи тешган тоннелдан туристларнинг ўтишларига рухсат бериб, даромад қилди, ҳатто қарзларини ҳам узди.

ХУРМОДАН ЕНИЛҒИ

● ИРОҚДА хурмодан олинган спиртни автомобилларда ёнилғи сифатида фойдаланиш учун тажрибалар ўтказилди. Маълумки, Бразилияда шундай мақсадлар учун шакар қамишидан олинадиган спирт фойдаланилмоқда, ҳозир бу ерда янги ёнилғи тобора кенгроқ ишлатилмоқда. Ироқ шу Бразилиядан спирт билан ишлашга мослаштирилган бир неча автомашина сотиб олди. Тажриба шу машиналарда амалга оширилди.

У муваффақиятли ўтди. Хурмо таркибида шакар қамишдагига нисбатан кўпроқ бўлгани учун ундан анча юқори сифатли ёнилғи олинади. Ироқда хурмо майдонлари жуда кўп. Шунинг учун ҳам янги ёнилғи анча истиқболлидир.

ЕМҒИРНИНГ ҲИДИ ҚАНДАЙ

● ФИЛЛАРДА ҳид билиш қобилияти жуда ҳам тараққий этганлиги ҳаммага маълум. У хартумн ёрдами билан ҳидни ҳатто 5 километр узоқликдан ҳам сезади. Кениялик олимлар филлар узоқдан туриб ёмғир... ҳидини била оладилар деб тасдиқлайдилар. Цаво миллий паркида олимлар олиб борган тадқиқотлар филлар подаси қуруқчилик даврида дастлабки ёмғир томчилари тушган узоқ районлар томон дарҳол жўнашларини кўрсатмоқда.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ МУЛ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

104 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

ОЛМАЛИҚ мебель фабрикаси ишчи-хизматчилари ўн биринчи беш йилликда ана шундай юксак маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Зиммаларига юклатилган бу катта ва масъулиятли вазифани муваффақиятли бажариш учун иш суръатини тобора жадаллаштиришяпти. Совет кишиларининг кун сайин ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб бера оладиган уй жиҳозлари тайёрлашни кўпайтириш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Социалистик мусобақани авж олдириш, унинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлаш меҳнат ютуқларининг салмоқли бўлишига ёрдам бермоқда. Ишлаб чиқаришни тақомиллаштиришга қаратилган кўплаб ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Цехларни маълум бир маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш тўла тугалланди. Натижада уларда прогрессив технологияни, янги замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш имкони туғилди.

Ана шундай тадбирлар ва коллективнинг куч-ғайрати туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми муттасил кўпайиб бормоқда. Агар фабрика ишга тушган дастлабки йили 2 миллион сўмлик материалларга ишлов берилган бўлса, бу йил ками билан 22 миллион сўмлик уй жиҳозлари ишлаб чиқарилади.

Мебелчилар йилнинг ўтган ўн ойини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлашди. Маҳсулот реализацня қилиш топшириғи анча ортиғи билан адо этилди. Қўшимча салкам 3 процент миқдорида мебель буюмлари ишлаб чиқарилди ва буюртмачиларга етказиб берилди.

Корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан кураш қизғин давом этмоқда. Бунда барча ишчи-хизматчилар фаол қатнашмоқдалар. Мусобақа гуруҳларини аниқлашда ишнинг сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор бериляпти. Унумли ва сифатли меҳнат қилаётган цехлар коллективлари, бригадалар, айрим мебелчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Сифат учун умумколлектив курашининг йўлга қўйилиши яхши самара бермоқда. Шу туфайли ҳам ҳозирги вақтда реализация қилинаётган маҳсулотнинг 55 процеити олий категория даражасида бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига Чақириқлари коллективни меҳнатда янги-янги ютуқларга илҳомлантирди. Энди ишчилар эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ва ҳўжалик йилини муносиб якунлаш учун мусобақани янада авж олдирмоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

ИШЧАНЛИК, МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ

Миннатдормиз!



● ҲИДОЯТ ая Маназарова — пенсионер. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан «Пискент» совхози далаларида кунига 30—35 килограммдан подбор териб бераётир.



● КАЛИНИН номли колхознинг илғор теримчиси Башорат Собированинг хирмони 10 тоннага яқинлашиб қолди. Чевар теримчи меҳнат қилаётган бригадада ҳам пахта тайёрлаш плани уддаланган.



● УЛБЎЛСИН Иброҳимова бу йил 10 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган. Юксак ахдга яраша меҳнат қилаётган Улбўлсин уйган хирмон саккиз тоннадан ошиб кетди.



● Ҳанифа ҲАКИМОВА — Свердлов номли колхознинг илғор теримчиси. Шу кунларда ҳам у унумли меҳнат қилиб, барчага ўрнак бўлаётир.

А. Икромов фотолари.


ПИСКЕНТ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 3 МИНГ ТОННА ПАХТА ТОПШИРИШ УЧУН АСТОЙДИЛ КУРАШМОҚДАЛАР

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Пискент райони пахтакорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватанга 43 минг 892 тонна «оқ олтин» армуғон этилди.

Район пахтакорларининг улкан меҳнат муваффақиятига Свердлов номли, Охунбобоев номли, Калинин номли колхозлар, «Пискент», «КПСС XXVI съезди» каби совхозларнинг миришкорлари ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

Йилдан-йилга районда юқори центнерчилар ҳаракати авж олмоқда. Ҳозирги кунда мажбурият ҳисобига ҳосил топшираётганлар Свердлов номли колхоздан — Нормирза Холматов, Аваз Отақўзиев, Иўлдош Холмиразев, «КПСС XXVI съезди» совхозидан — Пирназар Холиқов, Қурбон Султонов, Очил Абдуллаев, «Пискент» совхозидан — Бойзоқ Хожиев, Ўринбой Мубораков, Охунбобоев номли колхоздан — Тўлаган Исақулов, Дўсти Азизов, «Гулистон» колхозидан Барот Мадалиев, Калинин номли колхоздан — Эргаш Номозов ўртоқлар бошлиқ бригадалар 50 центнерлик марра учун курашишмоқда.

Районнинг барча хўжаликларида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Деҳқонлар далалардаги ҳосилнинг сўнгги граммларини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб-терib, давлатга яна 3 минг тонна «оқ олтин» сотишга азму-қарор қилдилар.



● БУ «оқ олтин» бунтлари пискентликларнинг катта меҳнатлари эвазига бунёдга келган. 1983 йилда Пискент пахта тозалаш заводининг тайёрлов пунктининг ўзигагина 55 минг тонна пахта келтирилди.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ МАРРА — 7400 ТОННА

КОЛХОЗИМИЗ механизаторлари ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилини ҳамма соҳада муваффақиятли якунлаш, айниқса, пахтачилик бўйича зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун эрта баҳорданоқ кураш бошладилар. Қилинган меҳнатлар зое кетмади. Районда биринчи бўлиб, 26 октябрь куни 1850 гектар майдондан 5660 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиб, йиллик планни бажарганлигимиз ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдик.

Ҳар бир ишни режа билан, астойдил бажарган киши, албатта, муваффақиятга эришади. Деҳқончиликда майда-чуйда иш йўқ. Бунга хўжалигимиз деҳқонларининг бу йилги фаолияти тўла мисол бўла олади. Об-ҳаво бирмунча ноқулай келган эрта баҳордан бошлаб ҳар бир тадбирни ўз вақтида бажардик. Сифатли тайёрланган ерга ташалган уруғлик тўла ундириб олинди. Ниҳоллар бегона ўтдан тозаланиб, қатор оралариға ишлов бериш агротехника талаблари асосида амалга оширилди. Ёз ойларида ғўзаларга ҳолатига қараб сув берилди. Ўтган йили экинга 20 кун оралатиб оби-ҳаёт тараган бўлсак, бу йил 12—15 кунда суғорилди. Чеканкани қулай муддатларда ўтказганлигимиз ҳосил нишоналарининг бир текис етилишини таъминлади.

Маълумки, хўжалик ютуғининг салмоқли бўлишида бригадаларда ишнинг қандай ташкил этилиши катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам колхозимизда сўнгги йилларда ҳамма карталарда биздек — мўл ҳосил етиштиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу йил ғўза парвариши даврида ҳам, йиғим-терим мавсумида ҳам илғор бригадалар иш тажрибаси кенг қўлланилди. Ҳар йилгидек республикада хизмат кўрсатган пахтакор Ўринбой Холматов етакчилигидаги коллектив деҳқонлари барчага ибрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Улар колхозда биринчи бўлиб йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажаришди. Ҳозиргача 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб хирмон уйдилар. Эндиликда 47 центнерлик марра учун кураш кетяпти.

Машъалларнинг изидан бораётган Жуман Деҳқонов, Нормирза Холматов, Аваз Отақўзиев, Тошкент Акмалов сингари пахта усталари бошлиқ бригадаларнинг миришкорлари оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Умуман ҳозирги кунда 20 дан ортиқ бригада йиллик план ва мажбуриятларини уддалади. 10 коллектив оширилган мажбурият ҳисобига ишлаяпти.

Пахтани машинабоп қилиб ўстириш, дефолиацияни қулай муддатларда ўтказиш ва йиғим-теримни конвейер усулида ташкил этишда дала гвардиячиларимиз катта маҳорат ва жасорат кўрсатдилар. Айни қизғин дамларда кунига йиллик планнинг 8—10 процентига миқдорида пахта топширишга эришганлигимиз ана шуларнинг шарофатидир.

Бу йилги мавсумда ўз агрегатларини юксак унум билан ишлатган Жуманазар Юнусов, Холдор Матанов, Ҳалим Тожибоев, Рустам Саидраҳимов, Қаҳрамон Эшонқулов, Абдумажид Абдакимов сингари «пўлат от» суворийлари 100—120 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритдилар. «Оқ олтин»ни ўз вақтида қабул пунктларига етказишда транспорт трактори механизаторларидан Шокир Эргашев, Зариф Тожибоев, Мансур Анорқулов, Саидкарим Иўлдошевларнинг хизматлари катта бўлди.

Пахтамизни тезроқ йиғиштириб олишимизга баҳолиқудрат ёрдамга келган ҳашарчилар ҳимматидан ҳам хурсандмиз. Улар кунлик ўсишнинг юқори бўлишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айниқса, Олмалиқ гилам фабрикаси, Олмалиқ химия заводи, шаҳардаги 27- ва 7-ўрта мактабларнинг ишчи-хизматчилари ва ўқувчилари энг салмоқли натижаларга эришиб, барчага ибрат бўлишмоқда.

Мана, бугун колхозимиз деҳқонларининг қувончлари янада чексиз. Чунки район бўйича дастлабки марра эгалланди. Бу катта хирмонда бизнинг ҳам 6500 тонналик муносиб улушимиз бор.

Йил бошида она-Ватанга 7 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган эдик. Энди эса деҳқонларимиз бу рақамни ўзгартиришга қарор қилдилар. Янги марра — 7400 тонналик хирмон уйишидир.

Бу реал, амалга ошадиган ваъда. Бизда бунга тўла асос бор. Даламизда ҳали ҳосил кўп. Механизаторларимиз, кўпмингкилограммчи теримчиларимиз, қанотимиз бўлган ҳашарчилар суръатни бўшаштирмаётирлар. Белгиланган юксак марра ҳам тез кунда эгалланади. Ҳосилнинг сўнгги мисқолигача териб олиниб, Ватан хирмонига етказиб берилади.

М. АВАЗОВ,

Свердлов номли колхоз раиси.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

ЛАВҲА

КУЗНИНГ серҳаракат кунлари. Ҳамманинг фикри пахта билан банд. Катта йўл ёқасидаги дала шийпони бўм-бўш. Фақатгина бригаданинг ошпази ўчоққа ўт қалаб, тушлик таом тайёрлаш тараддудида. Атрофда — пахтазорда эса ҳаёт қайнайди. Кўсак териш машиналарини моҳирлик билан бошқариб бораётган механизаторлардан ўқтин-ўқтин уватга чиқиб, бункерларни бўшатиб қайтишади. Бир-биридан чаққон теримчиларнинг, ҳммати баланд шаҳарлик ҳашарчиларнинг шўх кулгилари, ҳазил-мутойбалари ҳамманинг аъло кайфият билан унумли меҳнат қилаётганлигидан дарак беради.

Дала шийпонини айланамиз. Махсус стендларга республика, область, район, совхоз ва бригаданинг план ва социалистик мажбуриятлари чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Деворий газета ва жанговар варақаларнинг янги сонлари шу куннинг қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилади. Буларнинг ҳаммаси коллективда «оқ олтин» йиғим-теримига ҳар томонлама пухта киришилганлигини кўрсатиб турибди.

Биз ошпаз аёлдан бригадирни сўрадик. У кулиб қўйди-да, ғалати оҳангда жавоб берди.

— Халил акани бунақа пайтда шийпондан қидириб бўладими, у киши далада бўладида...

Шу пайт шийпон ёнига машина келиб тўхтади. Ундан биринчи бўлим бошқарувчиси Мажид Шейхов тушди. Биз билан саломлашгач:

— Чамамда бригадирни топполмаяпсизлар-ов, — деди кулиб. — Халил ўзи шунақа бехалавот одам. Уни кун қорайишига бориб, ё кечки овқатга уйга келганда, ё совхоз идорасида мажлис бўлган вақтда топасиз. Бошқа пайт даладан бери келмайди. Халилнинг китоби ҳам, илми ҳам, тажрибаси ҳам пахта. Ғўзага қараб туриб йилни қандай келишини ҳам айтиб беради. Доим одамлар орасида бўлишни, улар билан бирга қайноқ меҳнат бағрида юришни яхши кўради. Одамларнинг қувонч-ташвиши билан яшайди. Бундан ўзи жуда мароқланади.

Бўлим бошқарувчиси йўл-йўлакай бизга бу бригаданинг ўтган хўжалик йилида мўлжалдаги ҳосилни ололмай қолганини, шунинг учун бу йил бригадир бошчилигида астойдил меҳнат қилганликларини гапириб берди. Бу жасорат бекор кетмабди. Ўша куни улар эришаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам бажарган эканлар.

Халил Иброҳимовни механизаторлар билан ўалланималар тўғрисида гаплашиб турганда учратдик. Ғалаба билан қутлаб, бафуржа суҳбатлашдик.

— Эрта баҳорда 117 гектар майдонга қулай муддатларда чигитни экиб олдик, — дея гап бошлади бригадир.—Уруғликни қадашга қададик-ку, лекин унай демайди. Мутахассислар билан маслаҳатлашсак, ерда нам бор, чиқиб қолади дейишди. Яна кутдик. Натижа йўқ. Шунда сувчиларимиз сардори Садри Биналиев чигит суви берамиз, деб туриб олди. Сувдан кейин уруғлик потирлаб чиқиб кетди. Лекин у билан бирга ер бағрини гиламдек қоплаб бегона ўт босди. Бу тупроқда нам бўлмай, гербицид таъсир кўрсатмаганлигининг натижаси эди. Биз бўш келмадик. Бутун кучни ғўза парваришига қаратдик. Баҳор ва ёз бўйи ҳар туп ниҳолни эътибордан четда қолдирмадик. Мана, натижасини ўзингиз кўриб турибсиз.

— Энди, сирасини айтганда меҳнат қилсанг барака топасан. Пахта ишида суягим қотди, — давом этди бир дам сукут сақлагач бригадир. — Шу давр ичида оддий ишчи ҳам, сувчи ҳам бўлиб ишладим. Мен сизга айтсам пахтакор учун бирор йил ҳам осон келмаган. Ҳамиша қандайдир қийинчилик, машаққатларни енгишга тўғри келади. Бир йил сув камчил бўлса, бошқа йили об-ҳаво мураккаблашди. Яна бир йили ҳарорат ниҳоятда кўтарилиб, ҳосил хавф остида қолади. Агар табиатдан нажот кутиб тураверсанг пахта бўладими? Йўлини топиш керак. Қўлимизда ер бўлса, ўғит бўлса, техника бўлса, шуларни ўзи пахта-ку. Жой-жойига қўйсангиз, марра сизники. Агар шуни эвини қилолмасангиз айбни об-ҳавога, табиатга йўйиб ўтираверасиз.

Халил ака пахтазорга тикилганча ўйга толди. Ким билади дейсиз, у ҳозир дастлаб қўлига кетмон олган даврини, биринчи марта сув қўяман деб, пайкални кўлатиб, танбеҳ эшитган кунларини, дастлаб бригадани қабул қилиб олганда, ҳосилдорликни кўтариш йўлида ўтказган бедор тунларини эсладимикан...

— Деҳқон бўлсанг аввало центнер ҳосил бор. Зиммангга оширилган мажбуриятимизни ҳам якин орада шараф билан бажарамиз.

Ҳа, бу коллективда бригадир бошчилигида ўз ишининг чинакам фидойилари меҳнат қилади. Тоғабой Хўжабоев, Мадамин Ҳатамов сингари сувчилар айни жазирама ёз ойларида тунни тонгга улаб, меҳнат қилиб, ҳар туп ғўзани обиҳаётга қондирдилар. Суянги меҳнатда қотган механизаторлар Расул Жабборов билан Мусаддин Шоазимовлар эса ғўза парваришини сифатли ўтказиш билан биргаликда умумий ҳосилнинг 85 процентини ўз агрегатлари ёрдамида териб бердилар.

Бутун меҳрини, ўз фарзандидек азиз бўлган ғўзасига сарф қилган Асима Иброҳимова, Ҳаёт Ҳатамова, Аломат Усмонова, Тожигул Майёрова сингари миришкорлар «оқ олтин» йиғим-теримида ҳам барчага ибрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Уларнинг ҳар бири кўпмингкилограммчилар мусобақасига қўшилиб, беш-олти тоннадан хирмон уйишди.

Ҳалил ака суҳбат давомида ана шуларни ҳам мароқ билан сўзлаб берди. Гапларини тинглар эканмиз, унга ҳавасимиз келди. Қани энди ҳамма ҳам Халил акадек саранжом-сариштa, ўз ишининг мана шундай тажрибакори бўлса, «оқ олтин» хирмонимиз янада даддилик билан юксалган бўларди...

Пискент районидаги «Пискент» совхозининг Халил Иброҳимов бошчилик қилаётган 4-бригадасида бундайлар сафи йилдан-йилга ортиб боряпти. Айни кунда Халил аканинг икки ўғли Тўлаган ва Шавкатлар ҳам ота изидан боришаяпти. Тўлаган бўлим агрономи, Шавкат эса отаси бошчилик қилаётган бригаданинг ҳисобчиси.

Суҳбатимиз ниҳоясига етгач, пискентлик уста деҳқон пахтазор оралаб кетди. У дамбадам тўхтаб, ғўзаларга разм солади, янги режалар тузади. Келгусида «оқ олтин» дан янада каттароқ хирмон уйиш йўлларини излайди.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СЎНГГИ КИЛОГРАММЛАР

КОЛЛЕКТИВИМИЗ аъзолари мазкур йилда областимизнинг бир группа ташаббускор пахтакорлари изидан бориб, ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш учун курашмоқдалар. Албатта, бу йилги шароитда далаларда мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Об-ҳаво инжиқликлари биз деҳқонлар олдига бир қатор қийинчиликларни кўндаланг қўйди. Бироқ, сўзимизнинг устидан чиқиш, эл—юрт олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун ғўза парваришини кучайтирдик. Ниҳолларни йил давомида маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирдик. Культивацияни сифатли ўтказишга, далаларда бирорта бегона ўт қолдирмасликка ҳаракат қилдик.

Ёз бўйи кун-тун тинмай амалга оширган ишларимиз ўзининг самарали натижаларини берди. Далаларда зиммамиздаги юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпладик. Йиғим-терим ишларини ипатоволиклар усулида ташкил этиб, қисқа муддатда йиллик планимизни бажардик. Ҳозиргача мавжуд 85 гектар ердан давлатга топширилган жами пахтамиз йиллик планнинг 120 процентидан ошиб кетди. Коллективимизнинг бу ютуғига механик-ҳайдовчиларимиздан Искандар Ғаффоров, Эгам Сандибоевлар муносиб улушларини қўшишди. Транспорт трактори ҳайдовчиси Озод Раимов шу кунгача 300 тоннадан ортиқ пахтани қабул пунктларига ташиди. Шу кунгача 8 тонналик хирмон, уйишга эришган София Меликўзнева, Шаҳло Турсунова ва Нори Уролова каби чевар теримчиларимиз республикамиз партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан ўз хирмонлари салмоғини 9—10 тоннаданга етказишга астойдил ҳаракат қилишаяпти.

Айни кунларда коллективимизда пахтанинг сўнгги мисқолларигача нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бутун куч ва имкониятлар сарфланяпти. Биз албатта сўзимизнинг устидан чиқамиз.

О. АБДУЛЛАЕВ,
«КПСС XXVI съезди» совхозининг бригада бошлиғи.

БЕТЎХТОВ ИШЛАБ ТУРИБДИ

13 ЙИЛДАН буён транспорт тракторини бошқараман. Ҳар йили пахта йиғим-терими даврида ўз агрегатим билан дала—қабул пункти ўртасида қатнайман. Бу йил касбдошим Эгам Жўраев билан мусобақалашган ҳолда иш юритяпмиз. Шу кунгача мен 330 тонна, у эса 300 тонна «оқ олтин»ни ташиб бердик.

Мусобақамиз шартларига фақатгина ким кўп ҳосил ташиши эмас, балки кимнинг транспорт воситаси бенуқсон, узоқ муддат ишлаши ҳам киритилган. Бундай шартнинг қўйилиши ўзининг самарали натижасини бераётир. Мавсум давомида трактор ва прицепларимизнинг тўхтаб қолиш ҳоллари юз бермаяпти. Ҳар куни биз иш бошлашдан олдин ва ишни тугатгандан сўнг машиналаримизнинг асосий қисмларини бир бор кўздан кечириб, керак бўлган ерларини созлаб олмоқдамиз.

Биз юксак социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилмагунча далаларни тарк этмаймиз. Машиналаримизнинг бенуқсон юришини таъминлаймиз.

Т. ҚОДИРОВ,

Калинин номли колхоз механизатори.



● ОХУНБОБОЕВ номли колхознинг пешқадам механизатори Хошим Қундузов пахта терими айни қизиган кунларда 10—15 тоннадан «оқ олтин» териб, хирмонга барака киритди. Пешқадамнинг уйган хирмони 100 тоннадан ошиб кетди.

А. Мальцев фотоси.

УДДАСИДАН ЧИҚДИК

КОЛЛЕКТИВИМИЗДА она-Ватанга бу йил 580 тонналик «оқ олтин» хирмони армуғон этишга қарор қилинган. Эрта баҳорданоқ бригада бошлиғимиз Ражаб Умурзоқов етакчилигида далаларда ана шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўплашга астойдил ҳаракат қилдик. Об-ҳавонинг ниҳоятда нинжиқ келган дамларида ҳам кекса, тажрибали пахтакорлар маслаҳатига, илғорлар тажрибасига амал қилган ҳолда иш тутдик. Натижа чакки бўлмади. Кузга келиб пахтазорларимиздаги ҳосил салмоғи бизни қувонтирди.

Йиғим-терим ишларини ипатоволиклар усулида уюшқоқлик билан ташкил этганлигимиз туфайли қисқа муддатда ҳар гектар ердан 32,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик планимизни бажардик. Ҳозиргача эса бу рақам 36 центнердан ошди.

Мен ҳам мусобақадош дугонам Сафаргул Ўталова билан бирга йиғим-теримда актив иштирок этаяпман. Шу кунгача дугонам терган пахта 8 тоннадан ошди. Мен ўзим эса хирмонга 9,5 тонна «оқ олтин» тўкдим. Республикамиз партия-ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан ҳар биримиз яна 2—3 тоннадан пахта теришга сўз берганмиз.

Ш. БОЙҚЎЗИЕВА,

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози теримчиси.



● ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Октябрь райони меҳнаткашлари пискентлик пахтакорлар етиштирган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда заршуносларга яқиндан ёрдам беришаяпти. Ҳашарчилар ўртасидаги социалистик мусобақада «Минавтотранспорт» ишчи-хизматчилари пешқадамлик қилишяпти. Суратда: район штаби бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Ҳатамов «Минавтотранспорт» ташкилотига кўчма Қизил байроқни топширмоқда.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ОМОНАТ ҚАССАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИДАН ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА АЙНИҚСА КЕНГ ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР. ҲАР БИР ХОНАДОН ОМОНАТ ҚАССАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛМОҚДА.

ОБЛАСТЬ АҲОЛИСИНИНГ ҲАР ИККИСИДАН БИРИ ҚАССАГА ПУЛ ҚЎЯДИ. ҲОЗИР 324 ОМОНАТ ҚАССАСИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ. 70 МИНГДАН ЗИЁД ОМОНАТЧИ ЎЗ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН КЎПАЙТИРМОҚДА.

ОМОНАТЧИЛАРНИНГ ЎРТАЧА ЖАМҒАРМАСИ 1400 СЎМНИ ТАШҚИЛ ЭТАДИ.

БУ САҲИФА АҲОЛИНИ ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ ҚАССАЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР БИЛАН ТАНИШТИРАДИ.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ҚУЙИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БАЖАРАДИ

Давлат меҳнат омонат кассалари аҳолига ошиқча маблағларини ишончли сақлаш имконини беради, пул ҳисоб-китобини олиб боради, жамғарманинг кўпайишига кўмаклашади, шунингдек қатор жараёнларни бажаради:

— омонат учун нақд пул қабул қилади ва омонатчининг биринчи талаби билан уни қайтариб беради;

— омонатчининг топширувига биноан омонатни бир кассадан иккинчисига ўтказади;

— аккредитивлар беради ва уларга пул тўлайди;


— 1982 йилги давлат ички ютуқли заёмларини сотади ва сотиб олади;

— давлат облигациялари ва лотерея билетларига чиққан ютуқларни тўлайди;

— аҳолига магазинлардан 200 сўмдан қиммат турувчи молларни сотиб олиш учун ҳисоб чеклари беради;

— омонатчиларга ўз жамғармаларини нақд пул тўловисиз кўпайтириш имконини беради, топширувга биноан квартира, коммунал ва бошқа хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб ўтказади. Бу ишлар маълум бир вақтда ёки узоқ муддат давомида амалга оширилиши мумкин.

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ ОБЛИГАЦИЯСИ АҲОЛИНИНГ ПУЛ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ САҚЛАШ УЧУН ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ УСУЛДИР.



1982 йилги давлат ички ютуқли заёми 20 йиллик муддат билан — 1982 йил 1 январдан 2002 йил 1 январгача чиқарилган.

Бу заём облигациялари омонат кассаларида эркин сотилади ва сотиб олинади.

Заём облигациялари 50 сўмлик ва 25 сўмлик қилиб чиқарилган. 25 сўмлик облигация 50 сўмлик облигациянинг ярми ҳисобланади. Заём облигациялари бўйича даромад ютуқлар формасида тўланади.

Бу заём бўйича ютуқлар ҳажми 10 минг, 5 минг, 2 минг 500 сўм, 1 минг сўм, 500 сўм, 250 сўм ва 100 сўм қилиб белгиланган, ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам киритилган.

25 сўмлик заём облигацияларига ютуқнинг ярми тўланади.

10 минг сўмлик ютуқ эгаси навбатдан ташқари «Волга» автомашинасини ёки шу классдаги бошқа енгил автомашинани сотиб олиш ҳуқуқига эга. 5 минг сўмлик ютуқ эгасига класси пастроқ маркадаги автомашина сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Автомашина баҳоси билан заём облигациясига чиққан ютуқ суммаси ўртасидаги фарқ ютуқ эгаси томонидан тўланади. Заём бўйича ҳар йили қуйидаги муддатларда 8 та ютуқлар тиражи ўтказилади: 15 февраль, 30 март, 15 май, 30 июнь, 15 август, 30 сентябрь, 15 ноябрь, 30 декабрь. Худди шу кунларда 1966 йилги давлат 3 процентли ички ютуқли заёми бўйича ҳам ютуқлар тиражи ўтказилади.

Бу тираж бўйича 1986 йил 30 июнда сўнгги ютуқлар тиражи ўтказилади.


Шундан сўнг 1966 йилги заём облигациялари эгаларига 1987 йилнинг 1 июлигача уларни омонат кассаларида 1982 йилги давлат ички ютуқли заёми облигацияларига имтиёзли равишда (курс фарқи тўланмасдан) алмаштириш ҳуқуқи берилади.

1966 йилги давлат 3 процентли ички ютуқли заёмига чиққан ютуқлар ҳамда шу заём облигациялари қийматини олиш учун уларни 1988 йилнинг 1 июлигача омонат кассаларига тақдим этиш зарур.

Ҳозирги кунда аҳоли қўлида бўлган 1966 йилги давлат 3 процентли ички ютуқли заёми облигациялари 1986 йил 1 июлгача ўтказиладиган ҳамма тиражларда қатнашаверади.

1982 йилги давлат ички ютуқли заёми облигациялари аҳолининг пул жамғармаларини сақлаш учун энг қулай ва фойдали усулдир.

САЁҲАТ УЧУН ПУЛНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА ЖАМҒАРИШ МУМКИН



Омонат кассалари меҳнаткашларга ўз шахсий бюджетларидан тўғри ва унумли фойдаланишларида ёрдам беради.

Омонат кассаларидаги омонатлар счётларига доимий взнослар тўлаш йўли билан миллионлаб совет гражданлари ҳар хил мақсадлар учун зарур бўлган пулни жамғарадилар. Масалан, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун пул жамғарадилар. Кўпчилик ўз жамғармалари ҳисобига жонажон Ватанимиз бўйлаб қизиқарли саёҳатларга чиқадилар, шунингдек чет эл мамлакатларига саёҳатга чиқишлари мумкин.

Омонат кассалари аҳолидан талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар, муддатли омонатлар, шартли омонатлар, ютуқли омонатлар, жорий счёт омонатлари бўйича жамғармаларни қабул қилади.

Шартли омонатлар топшираётганда шарт қўйиб олинади. Масалан, омонатчи ўқув юртини битиргандан сўнг ёки балоғат ёшига етганда омонатни бериш ва бошқа турли шартлар қўйилиши мумкин.


Муддатли омонатлар камида 6 ойга қабул қилинади ва уларга йилига 3 процент даромад берилади, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар, шартли омонатлар ва жорий счёт омонатлари бўйича эса йилига 2 процент даромад берилади.

Ютуқли омонатлар бўйича даромад ютуқ тариқасида тўланади. Бу омонатлар бўйича йилига 2 марта — апрель ва октябрь ойларида ютуқлар тиражи ўтказилади. Ҳар бир мингта счёт номерига 25 та ютуқ ўйналади. Жумладан, битта 200 процентли ютуқ, 2 та 100 процентли ютуқ, 2 та 50 процентли ютуқ ва 20 та 25 процентли ютуқ ўйналади. Ютуқ суммаси омонат миқдорига ва сақланиш муддатига боғлиқ.

Омонатчи хоҳлаган омонат кассасига пул қўйиб счёт очтириши ва ундан чек ёзиб бериш йўли билан фойдаланиши мумкин. Счёт эгаси чекни ўз номига ва бошқа чекни тақдим этувчи киши номига ёзиб бериши мумкин.

Жамғарилган пулни топширилган омонат кассасидан ҳамда шу шаҳар ёки райондаги марказий омонат кассасидан ҳам олиш мумкин.

Жамғармани мамлакатимизнинг ҳамма жойидаги омонат кассасига пул қўйиб кўпайтириш мумкин.



НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТЎЛОВЛАР УЧУН ЖУДА ҚУЛАЙ ҲАМДА ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ

Ҳар бир оила ойига камида бир марта квартира ҳақи, коммунал хизмат, газ, электр энергияси, телефон, болалар боғчаси учун пул тўловларини топшириш мақсадида омонат кассаларига беради. Ҳолбуки, омонатчининг топширувига биноан омонат кассалари корхоналар, муассасалар билан ҳар қандай тўлов бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб омонат кассалари томонидан бир пайтда ёки узоқ вақт давомида — топширув бекор қилингунга қадар бажарилади.

Омонатчи нақд пулсиз ҳисоб-китоб тўғрисидаги топширувни омонат кассасига почта орқали ҳам бериши мумкин.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ҲИСОБ ЧЕКИ — ШАХСИЙ ҲУЖЖАТДИР

Магазинлардан қимматбаҳо буюмлар — енгил автомашиналар, мотоциклллар, мебель гарнитурлари, пианиналар ва шу каби нархи 200 сўмдан юқори бўлган буюмларни сотиб олиш учун омонат кассаларида бериладиган ҳисоб чекларидан фойдаланиш мумкин. Ҳисоб чеки эгаси қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш учун ўзи билан нақд пул олиб юриш заруратидан ҳоли бўлади. Аҳолига бу чеклар нақд пул ёки омонат кассаларидаги уларнинг жамғармалари ҳисобига берилади. Ҳисоб чеки шахсий пул ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисоб чеки 100 сўмдан 10 минг сўмгача бўлган суммага берилиши мумкин.

Ҳисоб чеклари — марказий омонат кассалари ва биринчи разрядли омонат касеалари орқали берилади.

Мамлакатимизнинг ҳамма районларидаги давлат ва кооператив савдоси магазинларидан сотиб олинадиган буюмлар ҳақини тўлаш учун ҳисоб чекини ишлатиш мумкин.

Ҳисоб чеклари, берилган кундан сўнг икки ой давомида ўз кучини сақлайди. Агар қандайдир сабабларга кўра белгиланган муддатда ҳисоб чекларидан фойдаланилмай қолинса, у ҳолда фойдаланилмаган чек шаҳар ёки райондаги марказий омонат кассаларининг бирига қайтиб берилиши шарт. Ҳисоб чекидаги сумма омонат счётига қўшиб қўйилади ёки нақд пул билан қайтариб берилади.

ОМОНАТ КАССАГА БОРМАСДАН ОМОНАТЧИ БЎЛИШ МУМКИН



Мамлакатимиздаги миллионлаб кишилар давлат меҳнат омонат кассалари хизматларидан фойдаланади.

Омонат кассалари меҳнаткашларга кам миқдорда бўлса ҳам доимий равишда пул ўтказиб, уларнинг маданий-маиший ва моддий талабларини қондириш учун пул маблағларини жамғаришга ёрдам беради.

Пулни омонат кассасига бормасдан ҳам жамғариш мумкин. Бунинг учун хизматчи ёки колхозчи ўзи ишлайдиган корхона, совхоз ёки колхоз бухгалтериясига ўзига бериладиган иш ҳақидан ёки пул даромадидан маълум суммасини ҳар ойда унинг омонат кассасидаги шахсий счётига ўтказиб туришни сўраб ариза топшириши лозим.

Омонат кассаларидаги пул жамғармалари бўйича процент ёки ютуқ тариқасида даромад тўланади.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГИЗ!

ОМОНАТ КАССАЛАРИДА БЕРИЛАДИГАН АККРЕДИТИВЛАР ЙЎЛДА ПУЛ САҚЛАШНИНГ ҚУЛАЙ ФОРМАСИДИР



Командировка, отпуска, саёҳат ва экскурсияларга чиққанда йўлда пул сақлаш ва ундан фойдаланишда омонат кассаларининг аккредитивлари жуда қулайдир.

Аккредитив шунинг учун қулайдирки, йўлда ўзингиз билан нақд пул олиб юриш зарур эмас.

Шаҳар ёки райондаги бир омонат кассага пулингизни аккредитивга қўйиб уни бошқа шаҳар ёки райондаги хоҳлаган омонат кассаларидан олишингиз мумкин.

Аккредитивлар берилган кундан бошлаб 4 ой мобайнида тўланади.

Аккредитивлар икки хил бўлади: 3 минг сўмгача бўлган хоҳлаган сумма ва 300 сўмлик.

3 минг сўмгача аккредитив бўйича пулларнинг ҳаммасини бир қилиб олинади ёки аккредитив эгаси қисмларга бўлиб олишни хоҳласа унга қолган суммага янги аккредитив берилади. 300 сўмлик аккредитив бўйича пулларнинг ҳаммасини бир қилиб, ёки 100 сўмдан қилиб олиш мумкин.

Аккредитив эгаларига иккита ҳужжат берилади — аккредитив ва унга контроль варақа. Уларни алоҳида сақлаш лозим.

Омонат кассалари аккредитив эгалари паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни кўрсатганларидан сўнг аккредитив пулларини тўлайдилар.

Аккредитивлар, шунингдек унинг эгаси ишонч қоғози ёзиб берган кишига ҳам тўланиши мумкин.

ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ СИЗГА ҲАМ, ДАВЛАТГА ҲАМ ФОЙДАЛИДИР

Омонат кассалари чекланмаган суммаларга омонатлар қабул қилади. Омонатчи битта ёки бир нечта счёт очтириши мумкин.

Омонат суммасининг минимал ҳажми 5 сўм.

Ҳар бир совет граждани ёшидан қатъий назар омонат кассасига омонат қўйиши мумкин.

Омонатни омонат кассасида сақлаш муддати чекланмайди.

Омонатчи ўз омонат счётидан фойдаланиш учун ишонч қоғози ёзиб беришга, омонатини бир ёки бир нечта кишиларга (улар қонун бўйича меросхўр бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар) ҳамда давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларига васият қилиб қолдириш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир омонатчи ўз омонати учун процент ёки ютуқ тариқасида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқига эга. Бу даромадлардан солиқ ва налоглар олинмайди.

Омонатчи ўз шахсий счёти олиб бориладиган омонат кассасига шу счётдан муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга тўланадиган ҳамма тўловларни уларнинг давлат банки муассасаларида ёки омонат кассалардаги счётларига ўтказишни буюриши мумкин.

Аҳоли ўртасида квартира, болалар боғчаси, телефон, коммунал хизмат, музика мактаблари ва бошқа пуллик ўқув юртлари учун ҳақларни ҳамда квартира ремонти, шаҳарлараро телефондан кредитга гаплашганлиги учун ва телефон орқали телеграммалар берилганлиги учун ҳақларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш кундан-кунга оммавийлашмоқда.

Омонатчи тўловларни тегишли ташкилотларга ўтказиш учун бир мартага ёки узоқ муддатга — кварталга, бир йилга ёки топшириқ бекор қилингунга қадар омонат кассасига топшириқ бериш ҳуқуқига эга.

Пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги топшириқни омонатчи омонат кассасига шахсан бориб бериши ёки почта орқали юбориши мумкин.

СССР давлат меҳнат омонат кассаларининг Тошкент область бошқармаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02287. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1713. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12